Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
19 август
ЧОРШАНБА
№ 66 (12806)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

24

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

«ГУЛИСТОН»ДА ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ

Юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўтган қисқа даврда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини исботловчи далиллар бугун исталганча топилади. Хусусан, кейинги йилларда Тошкент шаҳри бутунлай ўзгариб, янада гўзал қиёфа кашф этиб, чет эллик меҳмонларнинг ҳам ҳавасини келтирмоқда. Нафақат юртимиз пойтахти, балки чекка қишлоқлардаги ўзгариш ва янгиланишлар ҳам халқимиз ҳаёти йил сайин фаровонлашиб бораётганидан далолат бермоқда.







Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан намунали лойиҳалар асосида қурилаётган янги уй-жойлар халқимизга манзур бўлмоқда. Жумладан, вилоятимиз аҳолиси ҳам шундай замонавий уйларда кўплаб ҳовли тўйлари ўтказди.

Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида Пискент туманидаги "Гулистон" маҳалласида ҳам ҳовли тўйлари бўлиб ўтмоқда. Бу ерда 2014 йилда 3, 4, 5 хонали 105 та намунали уй қурилган эди.

– Энг азиз, энг улуғ байрамимиз яқинлашгани сари маҳалламизда ҳовли тўйлари ҳам кўпайиб бораяпти, – дейди "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шерали Кенжаев. – Ҳозир ҳар икки куннинг бирида у ёки бу намунали уйда ҳовли тўйлари бўлиб ўтаяпти, десам ишонаверинг.

Ҳақиқатан ҳам, кеча Шерали Эргашевлар хонадонида ҳовли тўйи гавжумликда ўтди.

– Илгари Теловчи қишлоғида бир хонадонда уч оила сиқилиб яшардик, – дейди Ш. Эргашев. – Ҳукуматимизга, Юртбошимизга раҳмат, замонавий намунали уйларда яшаш бизга ҳам насиб этди. Турмуш ўртоғим Ҳурриятхон ва икки фарзандим билан тўрт хонали уйда роҳатланиб яшаяпмиз.

СУРАТЛАРДА: янги уй соҳибаси Ҳурриятхон Эргашева меҳмонларга чой дамламоқда; маҳалладаги ҳар бир хонадонда хурсандчилик.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларини Фарғона водийси билан боғлайдиган, Евроосиё трансмиллий транспорт йўлагининг муҳим бўғини бўлган Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўлининг қурилиш жараёни ҳақида ёзиш учун Қамчиқ довонига кетаяпмиз. Демак, суҳбатимизнинг бош мавзуси иқтисодиётнинг асосий қон томири бўлган темир йўл транспорти, бу йўналишда мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар самараси ва истиқболи ҳақида.

БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИМИЗ ТИМСОЛИ

Биласиз, илгари поездларимиз юк ва йўловчи ташишда қўшни давлатлар ҳудудини кесиб ўтган, бу ортиқча чиқимдан ташқари турли сансалорлигу асаббузарликлар, вақт йўқотишга олиб келган. Янги темир йўллар қуриш, ягона темир йўл тизими барпо этиш дунё океанига чиқадиган денгиз, халқаро транзит йўлларидан олисда ва четда бўлган Ўзбекистонимиз учун ҳаётий зарурат эди.

Президентимиз Ислом Каримов Ватанимиз истиқлолининг дастлабки йиллариданоқ яхлит ва ягона темир йўл тизимини яратиш ғоясини илгари сурди. Амударё узра автомобиль ва темир йўл қатнови учун мўлжалланган замонавий кўприкни ўз ичига олган Навоий – Учқудуқ – Нукус – Султон Увайстоғ темир йўлининг барпо этилиши бу борадаги дастлабки қадам бўлди.

Шимолий йўналишда дарвоза очиш, шу минтақадаги бой ер ости табиий захираларини ўзлаштириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, пировардида ушбу ҳудудда истиқомат қилаётган одамларнинг ҳаётини обод қилишда бу иншоот мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Бугун унинг юксак самараси ва таъсирини воҳадаги хўжалик ва ташкилотлар, ҳар бир оила ўз ҳаёти мисолида яққол кўриб турибди.

Орадан атиги уч йил ўтиб, Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўл линияси ишга туширилди. Ушбу бунёдкорлик иншооти мамлакатимизда ягона миллий темир йўл тизимини яратишнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлди.

Денгиз сатҳидан 1 минг 500 метр баландликдаги Ҳисор тоғ тизмаларини кесиб ўтган, узунлиги 223 километр бўлган мазкур темир йўлнинг ноёблиги шундаки, у нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа тараққиётида, қолаверса, неча асрлар мобайнида Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган қадимий Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, дарё транспорти нисбатан хавфсизлиги ва арзонлиги билан қолган транспортлардан ажралиб туради. Жуғрофий жойлашуви жиҳатидан халқаро коммуникация ва денгиз йўлларидан олисда бўлган Ўзбекистон учун уммонга чиқиш иқтисодий салоҳиятнинг янги қирраларини очишда ғоят муҳим ҳисобланади.

Йўл қурганнинг йўли очиқ, деган чуқур маъноли сўзлар биринчи бўлиб ким томонидан, қачон ва қаерда айтилгани ҳақида бир нима дейиш қийин. Ҳар ҳолда, бу сўз мустақиллик йилларида бутунлай янгича мазмун касб этгани ва амалда ўз исботини топгани бугун барчага аён.

(Давоми 2-бетда).

Семинар

ҚОНУНЛАР ВА УЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

Вилоят ҳокимлигида Олий Мажлис Сенатининг учинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонун ва қарорлар, Президент фармон ва қарорларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида ташкилий-амалий йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Аҳмаджон Усманов бошқарди.

Олий Мажлис Сенатига вилоятимиздан сайланган сенаторлар, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, туман ва шаҳар Кенгашлари қошидаги доимий комиссиялар раислари, вилоят судлари, прокуратура, адлия, солиқ, молия, ички ишлар, божхона, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, Давлат рақобат қўмитаси, савдо-саноат палатаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мулоқотда Олий Мажлис Сенатининг учинчи ялпи мажлисида кўрилган масалалар мазмун-моҳияти тўғрисида атрофлича фикр юритилди.



(Давоми 2-бетда).



ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА ЭЗГУЛИК ТАДБИРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 августдаги фармойишига кўра август ойида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ободонлаштириш ва тозалик ойлиги эълон қилиниб, 22-23 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилиши белгиланган.

Мазкур тадбирлар мустақиллигимизнинг 24 йиллик байрамини "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида муносиб нишонлаш, халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, беғараз ёрдам, меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, маҳаллалар, аҳоли турараржойларини ободонлаштириш, республикамизнинг барча ҳудудларида санитария ҳолатини яхшилаш ҳамда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ташкил этилмоқда.

Фармойишда маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли бинолар ва ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар ва қабристонларни, ариқлар, кўча ва йўлакларни ҳамда болалар майдончаларини тартибга келтириш, дарахтларни оқлаш ва буташ, кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчиси йўқотган кам таъминланган оилаларнинг ҳолидан хабар олиш, уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашиш каби эзгу ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган.

"Туркистон-пресс".

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

МАКТАБ БОЗОРЛАРИГА КИМ ҚАНДАЙ МУНОСАБАТДА?

Вилоятимизнинг таълим тизимида 2015-2016 ўқув йилига тайёргарлик қизғин паллага кирди. Ўқув йили олдидан мактабларда ташкил этилаётган мактаб бозорлари, ярмаркалар ота-оналар ва ўқувчилар билан гавжум. Қувонарлиси, Бекобод шаҳри ва Пискент туманида бу иш байрамона рухда ташкил этилиб, харидорларга намунали хизмат кўрсатилмоқда.





Шаҳар ва туман марказларидаги бозорларда 12 варақли оддий ёзув дафтарлари 300-350 сўмдан сотилаётган бўлса, мактаб ярмаркаларида муқовасига улуғ алломаларимизнинг суратлари туширилган сифатли 12 варақли дафтарларнинг нархи 200-250 сўм. Пул ўтказиш терминаллари мавжуд. Уларни бевосита жойларда ташкил этишдан мақсад корхоналар ҳамда хусусий тадбиркорлар тайёрлаётган маҳсулотларнинг сифати амалдаги стандарт талабларига мослигини таъминлаш, бозордагидан бирмунча арзон ва сифатли бундай маҳсулотларни нафақат марказий савдо шахобчалари, балки вилоятнинг чекка қишлоқ мактабларига ҳам етказиб беришдир. Бу ўқувчиларнинг маънавий тафаккурига салбий таъсир кўрсатувчи, миллий менталитетимизга мутлақо жавоб бермайдиган ўқув маҳсулотларининг ноқонуний йўллар билан мамлакатимизга кириб келишининг олдини олишда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги кунда вилоятдаги мактаб бозорлари ва ярмаркаларининг 75 таси бевосита мактабларда, 22 таси коллеж ва академик лицейларда, 582 таси буюм ва озиқ-овқат бозорлари ҳамда йирик савдо комплекслари ва дўконларида ташкил этилиб, аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Вилоят халқ таълими бошқармаси тақдим этган маълумотларга кўра, аксарият мактаб бозори ва ярмаркаларида белгиланган 26 хилдаги ўқув қуроллари нархлари илова жадвалида белгиланган тартибда сотилмоқда. Мактаб ярмаркаларида терминаллар тизими мавжуд. "Мактаб ярмаркаси" ва "Мактаб бозори" лавҳалари кўринарли жойларга ўрнатилган.

Хўш, вилоятнинг барча шаҳар-туманларидаги мактаб бозори ва ярмаркалари фаолияти ҳақиқатдан ҳам маълумотларда кўрсатилганидек талаб даражасидами?

(Давоми 2-бетда).

Доимий комиссияларда

ХАЛҚИМИЗ ИШОНЧИНИ ОҚЛАШ – АСОСИЙ ВАЗИФА

Вилоят ҳокимлигида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши қошидаги қурилиш ва коммунал масалалар бўйича доимий комиссиянинг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни доимий комиссия раиси Аҳмадали Худойберганов бошқарди.

Доимий комиссия аъзолари, қурилиш ташкилотлари мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мулоқотда "Тошкентавтойўл" ҳудудий йўлларидан фойдаланиш давлат ташкилоти, вилоят "Ягона буюртмачи хизмати" ва "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияларининг манзилли дастурларига мувофиқ, шу йилнинг дастлабки етти ойида бажарган ишлари юзасидан ҳисоботи тингланиб, соҳада юзага келаётган айрим камчилик ва муаммолар муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, вилоятимизда бу йил 3 километр автомобиль йўли қуриш ва 12 километрини қайта қуриш режалаштирилган. Қурилиш учун 50 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган бўлиб, ҳозиргача 28 миллиард 630 миллион сўмлик ишлар бажарилган.

Вилоятимиз қишлоқларида бунёд этилаётган 1100 дан ортиқ намунали уй-жойларда ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари қизғин кечмоқда. Аксарият уйлардаги ишлар 60-70 фоизга етказилган. Шунингдек, келгуси йилда қурилиши режалаштирилаётган 1200 дан зиёд намунали уй-жой бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Йиғилишда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ.
Мансур НАХАЛОВ





БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИМИЗ ТИМСОЛИ

Буни бугунги кунда катта истиқболга эга бўлган муҳим лойиҳа сифатида қаралаётган, транспорт-коммуникация соҳасидаги яна бир йирик иншоот – Ангрен – Поп йўналишидаги янги электрлаштирилган темир йўл тармоғининг қурилиши мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

...Қурама, Чотқол тоғларининг қоқ ўртасидан кесиб ўтган Қамчиқ довонига етиб қолдик. Ана, Оҳангарон сув омборидан ўтдик. Тангатопди қишлоғи ҳам ортда қолди. Биз ўтирган "Нексия" машинаси шундоққина тоғ этагидаги "Довон" деб номланган савдо растаси ёнига келиб тўхтади.

Дарвоқе, Довон ҳақида тарихий манбаларда маълумотлар кўп учрайди. Ёзма манбаларда қайд этилишича, милоддан олдин Фарғона водийсида етмишдан ортиқ катта-кичик шаҳарлар бўлган. Улардан бирининг номи – Даван. Унинг асосий қисми, бошқарув ва ишлаб чиқарувчи кучлари шарқий Фарғонада ўрнашган. Ўзининг геосиёсий жойлашувига кўра, мазкур ҳудуд Бақтрия, Сўғд, Чоч каби тарихий ўлкаларнинг Хитой билан савдо, иқтисодий ва маданий алоқаларида ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган. Яна бир муҳим ҳужжатда, Давандан ҳар бири филдай келадиган афсонавий учқур отлар келтирилгани ва тўғри саройга жўнатилгани ҳақида ёзилади.

Тарих гардишга ўхшайди. Ундаги воқеалар бироз ўзгариш билан мудом такрорланиб туради, дейишади. Рост экан! Қаранг, орадан неча замонлар ўтди. Арт, Ақба, Қўтал номлари билан юритилган ушбу тарихий маскан яна тарихий воқеаларнинг шоҳидига айланмоқда. Фақат бу сафар бу ерлардан Хитойга "ҳар бири филдай келадиган афсонавий учқур отлар" эмас, таранг тортилган тасмадек темир йўл узра поездлар боради.

Бундан бор-йўғи 25-30 йил илгари бу ерлардан темир йўл ўтади, деса ҳеч ким ишонмасди. Боиси, ушбу ҳудуднинг баланд тоғ қоялари, чуқур сойликлари, пасту баланд адирлари узра поездлар қатновини йўлга қўйиш ақлга сиғмас иш эди-да! Миллионлаб куб метр қоя ва харсангларни бўлаклаш, уюм-уюм тошларни ортиш, ташиш, тўкиш, шиббалаш каби оғир ва мураккаб жараёнларда иш сифатини таъминлаш, жуда тиғиз белгиланган муддатларга қатъий амал қилиш, устига-устак, атроф-муҳит ва табиатга зарар етказмасдан ишлаш – буларнинг бари айтишгагина осон, холос.

Бунёдкор халқимиз бундай хаёлларни ҳақиқатга айлантирди. Мустақиллик даври кишиларининг ўткир зеҳни, собит қадами, қатъий хоҳиш-иродаси ва азму шижоати эвазига халқимизнинг яна бир орзуси ушалди.

Уфқи йўқ хаёллар қўйиб берсангиз, қаерларга олиб қочмайди. Бироз тин олгач, мақсад, манзил сари юрдик. Олдинда бизни денгиз сатҳидан 2,2 минг метр баландликда жойлашган Қамчиқ довони орқали қурилаётган 19 километрлик темир йўл туннели кутмоқда.

Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўл линиясининг узунлиги қарийб 124 километр. Келинг, дастлаб ушбу линиянинг



қурилиш жараёнига қисқача тўхталиб ўтайлик.

Аввал мўлжалдаги ҳудуд обдон текисланиб, қотирилди. Кейин муайян вагонларда кўкиш тус шағал тўкиб чиқилди. Шағал устига пайдар-пай рельс ётқизилди, электр сими тортилди. Қилни қирқ ёрадиган, моҳир қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмади. Ҳатто тушлик вақтида ҳам кўксини ёраётган техникаларнинг шовқин-сурони, қурувчи-йўлсозларнинг гоҳо қувноқ, гоҳо тажанг қийқириқлари қулоғингизни қоматга келтиради.

Сардаладан бошланиб, Чодак қишлоғигача давом этадиган туннелни қуриш ва пардозлаш ишларида дунёга машҳур "China railway tunnel group" қурилиш компаниясининг ходимлари кўмаклашмоқда. Асосий туннелда шу кунгача қарийб 13 километр, қўшимча туннелда 14 километр қазиш ишлари бажарилди.

– Ўзбекистонда биринчи марта бўлишим. Лекин ўзим темир йўл қурилиши соҳасида кўп йиллардан бери ишлаб келаётганим учун мамлакатингизнинг бу борадаги салоҳияти ҳақида кўп эшитганман, – дейди "ChRTG" қурилиш компанияси масъул ҳодими Ху Зенг Пинг. – Қурилиши деярли ниҳоясига етай деб қолган мазкур темир йўл Ўзбекистон иқтисодиёти учун қанчалар аҳамиятли эканини изоҳлаб беролмайман. Темир йўл борган жойга тараққиёт боради, ўсиш, ривожланиш бўлади. Демоқчиманки, Ўзбекистон танлаган йўл нечоғли тўғри экани йилма-йил исботланиб бормоқда.

Ху Зенг Пинг ҳақ гапни айтди. Боиси, ушбу темир йўл тармоғининг ишга туширилиши Фарғона водийси вилоятларини Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари билан ишончли тарзда боғлайди. Мамлакатимизнинг бутун ҳудуди бўйлаб ягона темир йўл транспорти тизимини шакллантириш борасидаги ишларни якунига етказади. Юртдошларимиз ва чет эллик меҳмонлар замонавий электр поездларда Тошкентдан Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларига, водийдан мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига ҳеч бир қийинчиликсиз бориш имкониятига эга бўлади.

Мустақил давлатимизнинг инсон манфаатлари йўлида узоқни кўзлаб амалга ошираётган сиёсатини, ҳаётбахш иқтисодий ислоҳотларимизни кўролмайдиган, пана-панадан тош отиб, ҳар хил миш-мишларни тарқатишга ўч кимсалар, афсуски, учраб туради... Бундайларнинг ивволарига жавобан халқимизнинг машҳур мақолини эслатамиз: "Ит ҳурар – карвон ўтар". Зеро, бу карвоннинг узоқни кўра оладиган, доно Сарбони бор. Бундай карвон ҳеч қачон завол кўрмагай...

Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўл қурилишининг мамлакатимиз равнақига қўшадиган ҳиссаси шундаки, бу йўл Хитой – Марказий Осиё – Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади. Кўп асрлар давомида мудраб ётган тоғлар қаърида қолиб келаётган бой ер ости минерал ресурсларини ва бошқа сифатли, қимматбаҳо фойдали қазилмаларни ўзлаштириш учун катта имкониятлар очиб беради. Иқтисодий тараққиётнинг белгиси бўлмиш қурилиш ва саноат, транспорт ва алоқа, хизмат соҳаларини ривожлантиришга, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, умуман, янги-янги маданий ўчоқлар очилишига, ҳаётни жонлантиришга, унинг суръатларини тезлаштиришга мустаҳкам замин яратади. Ўзбекистоннинг чет давлатларга чиқиш ва экспорт имкониятини, шу билан бирга, мамлакатимизнинг транзит ролини кенгайтириш борасидаги салоҳиятини кескин оширади...

Вақт бир ерда тўхтаб турмайди. Орадан кун, ҳафта, ой, йиллар, замонлар ўтади. Лекин мана шундай беқиёс мўъжизалар яратишга қодир бўлган халқимизнинг меҳнат жасорати, Ватанга муҳаббат ва садоқати, наинки ўзини, келгуси авлодларининг ҳам манфаатини ўйлаб бажарган буюк ишлари халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёркин тимсоли сифатида тилларда достон, келгуси насларга намуна бўлиб қолади.

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
ЎзА махсус мухбири.

Семинар

ҚОНУНЛАР ВА УЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси Содиқ Сафоев ҳамда вилоятимиздан сайланган сенаторлар, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари қошидаги доимий комиссия раислари "Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида даромад ва мол-мулк солиқлари юзасидан икки ёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисида 1999 йил 7 сентябрдаги Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Баённомани ратификация қилиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги, "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги, "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунларнинг мазмун-моҳияти, мақсади ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот беришди. Сенаторлар маъқуллаган қонун ва қабул қилинган қарорлар демократик, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга кўмаклашиши таъкидланди. Семинар сўнгида Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига шундай йиғилиш ва учрашувларни ўзлари сайланган ҳудудлардаги барча корхона ва ташкилот, фуқаролар йиғинлари, таълим муассасаларида мунтазам ўтказиш вазифаси юклатилди.

Ўз мухбиримиз.

Огоҳлик

ҲАМИША ҲУШЁРМИЗ

Мана 24 йилдирки юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Бунинг барчаси мустақиллик шарофатидир. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз ҳам тобора яқинлашиб келмоқда. Барчанинг қалбидаги байрам шукуҳи юзу кўзларда акс этиб турибди.

Бизнинг маҳалламизда турли миллат вакиллари аҳил ва иноқликда истиқомат қилмоқда. Маслаҳатчилар ва посбонларимиз билан маҳалламиздаги вазият, ҳар бир хонадондаги муҳитдан доимо огоҳ бўлиб турамиз. Оилаларга кириб, улардаги мавжуд муаммоларни ўрганамиз, қўлдан келганча ёрдам берамиз. Аввало огоҳлик ўз уйимиздан бошланади. Шунинг учун ҳам маҳалламизга ким келиб кетмоқда ҳамиша сергакмиз. Аҳолимиз ҳам бундай ишларда бефарқ эмас.

Бир нечта ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритмоқда. Шулардан ўйинчоқ ва пардоз воситаларини ишлаб чиқарадиган корхонага 10 нафар хотин-қизларимизни ишга жойладик. 17 нафар коллеж битирувчиларимизнинг бир қисми олий ўқув юртига ўз ҳужжатларини топширган бўлса, қолганлари уч томонлама шартнома асосида ишга жойланди.

Ёшларни ёт оқимлар таъсири остига тушиб қолмасликларининг олдини олиш мақсадида "Огоҳлик – давр талаби" мавзуида мактаб ва маҳаллаларда ёшлар билан суҳбатлар ўтказамиз. Бунга албатта ота-оналар ҳам жалб этилиб, ҳамиша огоҳ бўлишга даъват этамиз.

Дунёнинг қайсидир мамлакатларида нотинчлик ҳукм сураётган айни пайтда юртимиздаги фаровон, тинч ҳаётга қайта-қайта шукроналар айтасан киши. Элим, юртим деган замондошимиз борки, байрамга муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқда. Биз шу шодиёналар кўтаринки кайфиятда ўтиши учун ҳамиша ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз лозим.

Олимжон КАРИМОВ,
Зангиота тумани,
Эшонгузар кўрғони,
Ойбек маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

МАКТАБ БОЗОРЛАРИГА КИМ ҚАНДАЙ МУНОСАБАТДА?


Афсуски, жойларга чиқиб кузатишлар жараёнида бозор ва ярмаркалар барча ҳудудларда ҳам бирдек юқори савияда ташкил этилмаётгани маълум бўлди. Айниқса, олис ва чекка ҳудудларда бу ишга панжа орасидан қараладигани очиқ ва аччиқ ҳақиқатдир.

Бекобод туманидаги 7-, 32-, 45-умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этилган мактаб ярмаркаларига атрофдаги ўттизга яқин муассаса бириктирилган бўлиб, ўн мингга яқин ўқувчига хизмат қилиши кўзда тутилган. Ўрганиш жараёнида 26 хил маҳсулотнинг 10 хили етишмаслиги маълум бўлди. Масалан, мактаб формаси, циркуль жамланмаси, ўчиргич, рангли ручка ва қаламлар, расм дафтари, китоб ва дафтар жилдлари, елим, туш ва ҳоказо... Маҳсулотлар нархлари кўрсатилмаган. Касса аппаратлари йўқ. Бу савдо қонун-қоидалари қўпол равишда бузилаётганидан далолат беради.

Шу тумандаги 2-умумий ўрта таълим мактабида эса мактаб ярмаркаси умуман ташкил этилмаган. Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг дарсликлар билан таъминлаш бўлими раҳбари Шуҳрат Қурбонов ҳамроҳлигида ушбу мактабдаги ачинарли ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. Мактаб қаршисидаги хонадон дарвозасига 30Х20 см. ҳажмдаги тахтага "Мактаб бозори" ёзуви бўёқ билан чаплаб ёзилиб, осиб қўйилган. Дарвоза олдидаги кичкина столнинг бир бурчагига 5 дона сифатсиз ёзув дафтари, 10 дона ручка, 10 дона қалам, 2 дона елим бетартиб қўйилган, столнинг қолган қисмига эса сақич, писта, қурт каби маҳсулотлар жойлаштирилган. Бу ерда бирор ҳужжати бўлмаган Юсуф Жумаев савдо қилмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мактаб раҳбари Қосимжон Эрназаров: "Бизнинг мактаб бозоримиз шу" дея пистафурушнинг столига ишора қилди. Масъул раҳбарнинг бу даражадаги жиддий масалага лоқайдлигини қандай изоҳлаш мумкин? Мактаб ҳовлисида бозор учун алоҳида жой ҳам ажратилмаган. Ваҳоланки, Зафар шаҳарчасидан 10-15 километр масофадаги "Гулистон" маҳалласидаги бу мактабга атрофдаги 6 та мактаб бириктирилган. Қ. Эрназаров уч ярим мингга яқин ўқувчини 26 турдаги ўқув қуроллари ва мактаб формалари билан таъминлашда ўзини умуман жавобгар ҳис этмаётгани жуда ажабланарлидир.



Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўрганилган мактаб бозори ва ярмаркаларида терминал тўлиқ ўрнатилмаган. Касса аппаратлари йўқ, маҳсулотлар нархи кўрсатилмаган. Тумандаги 32- ва 7-мактабларда ҳам аҳвол шу.

Бўка туманидаги 2-, 24- ва 34-умумий ўрта таълим мактабларида ҳам мактаб бозори ва ярмаркалари талаб даражасида ташкил этилмаган. Туман халқ таълими муассасасида бўлганимизда ўқитувчи тугул, қоровулни ҳам топа олмадик. Мактаб эшиклари ланг очиқ. Ичкарига киганимизда бино янги ўқув йилига тайёр эмаслиги маълум бўлди. Парталар яроқсиз, айрим хоналардаги поллар бетондан бўлиб, ёрилиб, кўчиб ётибди. Иситиш тизими умуман яроқсиз ҳолда. Кўнғироқ қилди. Аммо, Кушарбоев бош мутахассис мурожаатига жавобан ҳокимиятга келиб кетишни ўзига лозим кўрмади, вакил ҳам юбормади... Ниҳоят, ўзимиз бўлимга келиб, раҳбар ўринбосари Абдурашид Ҳўжақуловга учрашиб, мақсадни тушунтирдик. У эса Абдужаббор Бўсинов исмли мутахассисни ишчи гуруҳига бириктириб беришини айтди. А. Бўсинов эса турли важлар билан ишчи гуруҳ аъзоларини чалғитишга уриниб, мактабларга бормасликка ундади. Таълим тизими раҳбаридан тортиб мутахассисигача нега бундай қилишаётганининг сабабини юқоридаги 34-умумий ўрта таълим мактабига борганимизда тушундик.

Мактаб раҳбари Юнус Анорбоев кетма-кет телефон қўнғироқларидан сўнг бир соат ичида етиб келди. Бироқ, на мактаб ярмакалари ҳақида, на мактабдаги юқорида ўзимиз гувоҳ бўлган камчиликлар тўғрисида ундан бирор жўяли жавоб ололмадик.

Шу ўринда бир масалага алоҳида тўхталиш жоиз. Туман ҳокимлигининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича бош мутахассиси Искандар Қосимовга учрашиб, мактаб бозорларининг фаолияти билан танишмоқчи эканимизни айтганимизда, у "халқ таълими"дан вакил қўшиб беришини айтди ва бўлим раҳбари Кушарбоевга мурожаат қилдик. Ҳеч ким чиқмади... Буни тушунса бўлади. Сабаби, таътил давридаги уч ой ичида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни бир кун тугул, уч кунда ҳам бажариб бўлмаслигини бу соҳага умуман алоқаси бўлмаган одам ҳам жуда яхши билади. Бор-йўғи бир ой давом этадиган мактаб ярмаркаларини ҳам "ўтдими-ўтди" қабилида қоғозда бажариб юбориш улар учун ҳеч гап эмаслигини юқоридаги ҳолат тасдиқлаб турибди.

Хуллас, ишчи гуруҳининг танқидий хулосаси ва амалий тавсияларидан сўнг ташкил этилган мактаб ярмаркаларининг фаолиятини жонлантириш ва ўқувчиларни сифатли ўқув қуроллари ва мактаб формалари билан таъминлаш чораларини кўриш ишларини туман ҳокимлиги мутасаддилари жиддий назоратга олишлари лозим. Албатта, ўрганиш давомида мактаб бозорлари ва ярмаркалари фаолиятини талаб даражасида йўлга қўяётган ҳудудларда ҳам бўлдик.

Вилоятда амалга оширилаётган бу каби хайрли ишларга юқорида тилга олинган хунук ҳолатлар жиддий соя солиши шубҳасиз. Қолаверса, таълим-тарбия соҳасида муҳим бўлмаган бирор ишнинг ўзи йўқ. Аллома Абдулла Авлоний айтганидек: "Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир!"

Зарифа ЭРАЛИЕВА,
Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.
Илҳом ХАЛИЛОВ,
"Наврўз" нашриёти директори.

Давра суҳбати

ЎЗИМИЗ АСРАМАСАК, КИМ АСРАЙДИ?

Эрталаб уйқудан тиниқиб уйғонамиз, бир бурда нонимизни хотиржам еймиз ва фарзандларимиз боғча, мактабларга, ўзимиз ишга отланамиз. Осмонимиз мусаффо, йўлимиз равон, кўча-кўйда ўз ҳаётидан мамнун одамлар орасида шаҳдам одимлаймиз. Буларнинг барчаси мустақиллик, тинчлик шарофатидан. Бугунги кунда дунёнинг қайсидир бурчагида урушлар, қонли тўқнашувлар, келишмовчиликлар юз бераётган бир пайтда юртимиздаги фаровон, тинч ҳаётга қайта-қайта шукроналар айтасан киши. Лекин дунёда бугунги тинч ҳаётимизни кўролмайдиган ёвуз ниятли кимсалар ҳам борки, бу бизни ҳамиша сергаклантиради, ҳушёрликка чорлайди.

Янгийўл туманида чегараолди маҳаллалари аҳолисининг Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари, Ҳарбий прокуратура, Ички ишлар вазирлиги вакиллари, туман ҳокимлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими ходимлари ҳамкорлигида бўлиб ўтган "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остидаги Мустақиллигимизнинг 24 йиллик байрамига бағишланган давра суҳбатида шулар ҳақида гап борди.

Давлат чегараси Ватан остонаси. Остонага ёвуз ниятли кимсаларнинг қадам босмаслиги чегарачилар билан бир қаторда маҳаллий аҳолига ҳам боғлиқ. Аммо ачинарли томони шундаки, юртимиз фуқароларининг қўшни давлатларга махсус белгиланган ҳудуддар орқали қонуний тарзда бемалол ўтишлари учун барча шароитлар яратилган бўлсада, айримлар Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида"ги Қонунига амал қилмайдилар. Ушбу давра суҳбати ўтказилган "Умид" маҳалласида яшовчи, аввал ҳам судланиб кўзи очилмаган Саида Одилова (исм-фамилияси ўзгартирилган) қонунни такрор ва такрор бузиб келмоқда. Ноқонуний йўллар орқали Қозоғистон республикасига турли озиқ-овқат маҳсулотлари олиб ўтиб, "бизнес"ини давом эттириб, мўмай даромад илинжида давлатимизда жорий этилган қонунларни бузган С. Одилова охир-оқибат яна одил суд олдида жавоб беришига тўғри келди. Унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 110 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади, С. Одилованинг бундай ноқонуний хатти-ҳаракатини маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, қўни-қўшнилар кўрмаган бўлишса?

Халқимизда "Ўз уйингни ўзинг асра", деган нақл бор. Мулоқот чоғида ҳудуддаги чегарабузарларнинг икки нафари маҳалла фаоллари томонидан ушлангани таъкидланди. Бу маҳалла аҳлининг ўз юрти, ўз маҳалласи тинчлигига бефарқ эмаслигини кўрсатмоқда. Маҳаллада бегона одамлар ўралашмаяптими? Болалар нима билан машғул? Катталар уларга қай даражада ўрнак бўлишаяпти? Ҳар бир фуқаро ўзига шундай саволлар бериб иш юритса, маҳалласи тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга ҳисса қўшган бўлади.

– Маҳалламизнинг чегараолди ҳудудида жойлашгани биз фаолларга катта масъулият юклайди, – дейди "Умид" маҳалла маслаҳатчиси Эргашева. – Шунинг учун ҳам биз маҳалламизга ким келиб кетаётганини назоратга оламиз. Оилаларни ўрганишга киришганимизда, у ерда бола тарбияси, ҳамиша огоҳ бўлиш ҳақида суҳбатлар ўтказамиз. Бегона одамни кўрганда дарҳол керакли идораларга хабар беришлари ҳақида тушунтириш ишларини олиб борамиз. Буларнинг барчаси бизни тинч ва хотиржам яшашимизни таъминлайди.

– Ҳушёрликни ҳар бир фуқаро ўзига шиор қилиб олиши зарур, – дейди Янгийўл тумани ҳокими Равшан Норбўтаев. – Негаки, бугунги кунда чегарадан ноқонуний ўтиш ҳолатлари барҳам топмаган. Яхши ниятли киши ҳеч қачон эгри йўлни танламайди. Чегарадан ўтаётган шахснинг ниятини нима эканини ҳеч ким билмайди. Унга бефарқ қарасангиз, уйингизга кириб-ритсангиз оқибати қандай тугашини билолмайсиз. Шундай экан, ҳаётга зийрак кўз билан боқайлик. Чегарамизни асраш, уйимизни асрашдир. Ўз уйимизни ўзимиз асрамасак ким асрайди? Ватанимиз келажаги, болаларимиз тақдири бизнинг қўлимизда, фарзандларимизга бераётган тўғри тарбиямизда.

Тадбирда сўзга чиққан ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, маҳалла маслаҳатчилари ва фаоллар тинчлик энг улуғ неъмат эканини алоҳида таъкидлаб, барчани ҳушёрликка чақиришди.

Нозима АРСЛОНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Тадбир

Вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида "Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга барчамиз масъулмиз!" мавзуида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

ХАВФСИЗЛИККА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Йўл-транспорт ҳодисалари, айниқса, фожиали якун топаётган ҳолатларнинг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда кенг жамоатчилик ўртасида шу мавзуда тарғибот-ташвиқот тадбирларини янада кучайтириш мақсадида ташкил этилган мулоқотда вилоят ИИБ ЙҲХБ, йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг вилоят бўлими мутасаддилари, юк ва йўловчи ташиш билан шуғулланувчи корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, техникалар кун сайин кўпайиб бораётган мураккаб вазиятга қарамай, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда сезиларли натижаларга эришилмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг дастлабки етти ойига нисбатан бу йил йўл-транспорт ҳодисалари 1,5, болалар иштирокида содир бўладиганлари 16,9 фоизга камайди. Аммо, муваффақиятлар билан бир қаторда, соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, муаммо ва камчиликлар ҳам талайгина. Жумладан, йўловчи ташиш транспортлари иштирокида йўл-транспорт ҳодисалари ҳам рўй бермоқда. Етарли чоралар кўрилмаётгани боис, ҳайдовчилар қоидабузарликни давом эттиришмоқда. Уларнинг муомала маданиятидан норозилик ҳам кўпайиб бораяпти.

Йиғилишда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, мунтазам йўл ҳаракати қоидасини бузган бир гуруҳ ҳайдовчилар қатъий огоҳлантирилди.

Тадбирда, шунингдек, оғир оқибатлар билан якунланган йўл-транспорт ҳодисалари видеороликлари намойиш этилди.

Аваз ИСРОИЛОВ.

Видеоанжуман

МАСОФАВИЙ СЕМИНАР

Тошкент Давлат аграр университетида Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Олий Мажлис Қонунчилик палатаси демократик институтлари, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамкорлигида видеоконференция ташкил этилди.

"Ёшларда инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш ва ҳуқуқий маърифат ишларини янада такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари" мавзуида янги информацион технологиялар асосида ўтказилган масофавий семинарда Олий Мажлис ва 12 та вилоят билан видеоалоқа ўрнатилди.

Ёшларда ҳуқуқий онг ва маданиятни янада юксалтириш, уларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим масалалардан биридир. Чунки ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва жамият тараққиёти ёш авлод таълим-тарбияси, ҳуқуқий саводхонлигига боғлиқдир.

Суҳбат давомида ёшларнинг жамиятимиздаги ўрни ва роли, таълим муассасаларида ҳуқуқий соҳага оид адабиёт ва дарсликларнинг етарли бўлиши хусусида сўз борди.

Нозима РАҲИМОВА.

Юқори Чирчиқ туманидаги "Қорасув" маҳалла фуқаролар йиғинида гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши, бу иллат оқибатлари нималарга олиб келиши, террорчилик, диний экстремизм, одам савдоси ҳамда ОИТС касаллигининг олдини олишга қаратилган "Аср вабоси" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

ЁШЛАР АСР ВАБОЛАРИГА ҚАРШИ

Туман ҳокимлиги, "Маҳалла" жамоат фонди туман бўлими, Янгибозор қўрғон фуқаролар йиғини ҳамда кўп тармоқли туман марказий поликлиникаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда маҳалла фаоллари, нуроний отахон-онахонлар, уй бекалари ва ёшлар иштирок этди.

– Бугунги кунда курраи заминимизда гиёҳвандлик тобора авж олаётгани халқаро ҳамжамиятни ташвишга солаяпти, – деди кўп тармоқли туман марказий поликлиникаси шифокори Мария Ким. – "Аср вабоси" аталмиш бу иллат, террорчилик, диний экстремизмни ҳам авж олдирмоқда. Гиёҳвандлик ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ғов бўлиш баробарида, ёшларнинг ҳаётига рахна солмоқда. Бу иллатнинг олдини олиш фақат ҳуқуқ-тартибот идоралари иши эмас, балки барча жамоат ташкилотлари ҳамда ҳар бир юртдошимизнинг бурчидир.

Шунингдек, давра суҳбатида гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган касалликлар, террорчилик, диний экстремизм, одам савдоси каби ёмон иллатларнинг олдини олишга қаратилган фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

101 огоҳлантиради

ЁНҒИНДАН САҚЛАНИНГ

Кундалик ҳаётимизни "зангори оловсиз" тасаввур этиш қийин. У энг қулай ёқилғи сифатида турмушимизда кенг қўлланилади. Бу ёқилғидан тўғри фойдаланиш, хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилиш ёнғин хавфсизлигини таъминлайди. Акс ҳолда озгина эътиборсизлик оқибатида чиққан ёнғин оилага, давлатга катта моддий зарар етказиши мумкин.



Газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш керак. Газ, кўмир ёқиладиган печкалар мўриси йилига камида бир марта тозаланиши лозим. Печка ва газ плиталари ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, электр асбобларидан фойдаланиш, ёш болаларнинг гугурт билан ўйнашига бепарво қараш ёнғин чиқишига сабаб бўлади. Учқун текканда ёниб кетадиган айрим нарсалар борки, уларни печкалар ёнида сақлаш асло мумкин эмас. Бунга барча фуқаролар эътиборли бўлишлари керак. Шунда нохушликнинг олди олинади.

Шерзод ҚОДИРОВ,
Тошкент шаҳар 12-ҲЁХО 24-ҲЁҲҚ смена бошлиғи.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2015 йил 14 августдаги 36-сонли Баённомаси қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 22-моддасига асосан:

1.1. "SHERXON TRANS" МЧЖга "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун берилган "АТ" серияли, 000545 рақамли лицензиянинг амал қилиш муддати 2015 йил 15 августдан қайта тикланди.

1.2. "ISFANDIYOR TRANS SERVIS" масъулияти чекланган жамиятига "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун берилган "АТ" серияли, 000404 рақамли лицензиянинг амал қилиш муддати 2015 йил 17 августдан 10 (ўн) иш кунига тўхтатилди.

"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Очиқ аукцион савдосига туман захира ерлари ҳисобига олинган ер майдонларида фермер хўжаликларини ташкил этиш мақсадида қуйидаги "Боғзор" ва "Узумзор" қўйилмоқда:

1. Зангиота тумани, "Кўксарой" ҚФЙ, "Тоштулабий агро" агрофирмаси ҳудудида жойлашган "ISROIL TABARRUK" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган жами 24,60 гектардаги 15,7 гектар ер майдонида жойлашган "Боғзор" ва 2,0 гектар ер майдонида жойлашган "Узумзор", бошланғич баҳоси 9 408 000 сўм.

Очиқ аукцион савдоси 2015 йил 18 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, Биржа маркази биносида бўлиб ўтади. Ушбу кунда сотилмай қолган "Боғзор" ва "Узумзор"нинг такрорий савдоси 2015 йилнинг 5 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги келишуви"ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО 01101, СТИР 301743808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, – жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунида соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, 1-қават, 16-хонада қабул қилинади ва 2015 йил 17 сентябрь куни соат 16.00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru, 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

RR – № 0008.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ



Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 19 август куни Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 22-24, кундузи 38-40 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 14-19, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги барча фуқароларни Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга таклиф этади. Сиз савдоларда мавжуд бўлган давлатга тегишли ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари, уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича маълумотларни www.1kms.uz сайти орқали олишингиз мумкин. Тел.: (0371) 228-84-48, 200-10-01. Факс: 228-80-24.
Лицензия: RR-0001.

Аукцион савдосига, Бўка туман СИБ томонидан, ФИБ Оҳангарон туманлараро судининг 2011 йил 19 декабрдаги № 9816/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, А. Темур кўчаси, 6-уйда жойлашган, қурилиш майдони 59,40 кв.м., умумий фойдали майдони 46,44 кв.м. бўлган, 1964 йил пишган ғиштдан қурилган 46-хонадон қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 26 118 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 21 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2015 йил 18 сентябрь куни соат 16:00.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли Суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги 20208000404920609021, МФО 01036, СТИР 207122519 ҳ.р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел/факс: (0371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия: RR-0001.

«ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРАТ» ИНПЕКЦИЯСИ ТОШКЕНТ ҲУДУДИЙ БЎЛИМИ БОШЛИҒИ Б. Т. ЗАКИРОВ ТОМОНИДАН 2015 ЙИЛНИНГ II ЯРИМ ЙИЛЛИГИДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ ШАҲАР ВА ТУМАНЛАРДА ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ САЙЁР ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН КУНЛАР:

Чирчиқ шаҳри 21.08.2015 йил, Оҳангарон тумани 14.09.2015 йил, Олмалиқ шаҳри 22.09.2015 йил, Зангиота тумани 12.10.2015 йил, Қибрай тумани 28.10.2015 йил, Паркент тумани 10.11.2015 йил, Юқори Чирчиқ тумани 26.11.2015 йил, Янгийўл тумани 15.12.2015 йил, Чиноз тумани 23.12.2015 йил кунларида шаҳар ва туманлар ҳокимияти биноларида бўлиб ўтади.

"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 10.07.2015 йилдаги 10-1508/10057-сонли ижро варақасига асосан; бошланғич нархи – 213 500 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Толариқ кўчаси, 40-уйда жойлашган, умумий майдони 378,0 кв.м.даги 1 бир каватли бино, 6 хонадан иборат бўлган "кўчмас мулк бино"; Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани СИБ томонидан 1) Тошкент шаҳар хўжалик судининг 25.03.2015 йилдаги №10-1413/4434-сонли ижро варақасига асосан; бошланғич нархи – 90 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Қорасув 6-массив, 28-уйда жойлашган, умумий майдони 82,0 кв.м.дан иборат бўлган "савдо дўконининг бир қисми"; 2) Тошкент шаҳар хўжалик судининг 10.07.2014 йилдаги №10-1413/8301-сонли ижро варақасига асосан; бошланғич нархи – 150 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, ТТЗ-2 массивида жойлашган, умумий майдони 253,0 кв.м.дан иборат (блок-1 ва блок-2)даги "савдо павильони"; Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой тумани судининг 02.12.2014 йилдаги № ЖСХ-1-509/2014-сонли ижро варақасига асосан; бошланғич нархи – 208 543 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-даҳа, 3-уйда жойлашган, умумий майдони 38,03 кв.м., яшаш майдони 24,70 кв.м.даги 2 та яшаш хонасидан иборат бўлган 21-хонадон "тураржой" қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2015 йилнинг 22 сентябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 26 сентябрдаги 163 и/ч-сонли буйруғига асосан "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб 2015 йил 13 августда ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги тасарруфидаги, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманида жойлашган ер участкасининг умумий майдони 6,8 га бўлган "Малика" дам олиш маскани, бошланғич баҳоси - 1 793 936 000 сўм, сотилиш баҳоси - 2 095 000 000 сўм.

20 ЙИЛЛИК ВАҚТ БИЛАН СИНАЛГАН ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

"Respublika mulk markazi" АЖ хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги барча фуқароларни хўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги улушлари, автомототранспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва кўчмас мулк ҳисобланмайдиган бошқа турдаги давлат ва нодавлат мол-мулкларнинг оммавий савдоларида иштирок этишга таклиф этади.
Телефон: (0371) 228-79-52, 228-80-31. www.rmm.uz

"Respublika Mulk Markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ангрен шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилоят Хўжалик судининг 23.09.2011 йилдаги 11-1109/111986-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, "Тош-К" МЧЖ ҳудудида сақланаётган кўмир брикети ишлаб чиқариш ускунаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 64 679 418 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 21 сентябрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 18 сентябрь куни соат 18:00. Ишлаб чиқариш ускунаси билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "RMM" АЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги х/р: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rmm.uz.

Гувоҳнома № 001580.

Пири бадавлатларимиз

ФАЗИЛАТ АЯНИНГ БЕБАҲО ФАЗИЛАТЛАРИ

Ангрендаги "Нур" чойхонаси ҳовлисидан ўтиб, кенг ва ям-яшил боғ орқали Фазилат аянинг фариштали уйига кириб бордик. Бу боғдаги сархил меваларни хонадон соҳиби Абдуҳолиқ ота етиштирган. Фазилат ая Кенжаева "Хаккарман" маҳалласида яшайди. Муборак саксон етти ёшни қаршилаётган бу мунис онахонни йўқлаб борганимизда, ўғиллари Сулаймон ва Муҳиддин акалар атрофида парвона эдилар.

– Онамизнинг бироз тобла-ри қочди шекилли, шаштлари сал пастроқ, – деди Сулаймон ака. – Отамиз билан бирга саккиз нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказган меҳрибонимизнинг ҳаётимиздаги ўрнилари беқиёс. Бизни шу даражага етишимизда, эл-юрт корига ярашимизда ҳам онамизнинг меҳнатлари улуғ. Хонадонларимизга кўрк бериб турган пири бадавлатларимиздан ҳамон панду насиҳат олиб турамиз.

Фазилат ая эрта турмушга чиққан. Тоғлар орасидаги Гўшсой қишлоғида ўсиб-улғайган аянинг болалиги турғунлик ва уруш йилларига тўғри келган. Турмуш қургач ҳам жуда кўп машаққатли йўлларни босиб ўтди. Оғир йилларда, йўқчил кунларда сира нолимади. Қизларини гулга, ўғилларини дурга ўраб катта қилди. Айни пайтда унга ҳавас қилганларнинг саноғи йўқ. Ая ўттиз олти невараси, олтмиш олти чевараси, олти нафар дувараси қуршовида ўзини мудом бахтиёр сезади. Айниқса, улуғ айём кунларида хонадонларида байрам: ўғилқизлар, набиралар онахонни қутлагани, доно ўгитларини олгани келишади. Қариндош-уруғларнинг кети узилмайди.

– Онамизнинг тарбиясини олиб ёмон бўлмадик, – дейди кенжа ўғил Муҳиддин. – Барчамиз касб-корли, ҳунарли бўлиб етишишимизни истаб, тиним билмадилар. Мен Беньков номидаги рассомлик билим юртини тамомлаганман. Сурат чизишни, дизайнни пухта эгаллаб, узоқ йиллар корхоналарда ўз йўналишим бўйича ишладим. Бугунги кунда компьютер графикаси кучайди, ўз-ўзидан дизайн ишларини ҳам техника ёрдамида амалга оширса бўлади. Кейин тадбиркорликка қўл уриб кўрдим. Ҳозир оиламиз билан "Нур" чойхонасини юритаяпмиз. Хизмат кўрсатишимиз мижозларимизга маъқул шекилли, чойхонамиз гавжум. Мана шу ишларни йўлга қўйишимизда ҳам оиламиз сарбони – онамизнинг ўгитлари ёрдам берди.

Оиланинг кичик келини Барнохон турмуш ўртоғига ҳамдам, ҳамнафас. Чойхонанинг ҳисоб-китоб ишларини юритади. Ўғли Исломжон бу йил Тошкент техника университетини тамомлайди. Келини Нилуфархон тошкентлик. Елиб-югуриб, қайнона-қайнота ва севимли бувижонининг хизматини қилади. Қўлидаги қизалоғи Ифора хонадоннинг чинакам овунчоғи.

Кенг ва шинам ҳовлининг жиҳозида ҳам Муҳиддиннинг рассомлик қобилияти намоён: бир томонда каттакон фаввора, бир томонда мўъжазгина гулзор ва кўкаламзор. Кенг супада ёз кунлари катталар ҳордиқ чиқарса, болалар яйраб ўйнашлари мумкин. Хуллас, ҳамма нарса ўз ўрнида. Ҳар томонда Фазилат аянинг камтарона қиёфаси гавдаланиб тургандек. Онахон билан суҳбатлашиб, яна бир хонага кирамиз. Уй тўрида Муҳиддин талабалигида лаганга туширган ота-онасининг суратини кўриб, ҳавасим келди. Унда аянинг ўрта ёшлардаги қиёфаси акс этган. Иқтидорли рассомнинг ижодий ишини тасвирга тушириб олдик.

Онахоннинг мунис қиёфаси, тийрак нигоҳларидан ҳали кўп нарсаларни сўзлаб бермоқчи эканликларини сездик. Аммо Фазилат аяни толиқтириб қўймаслик учун уларни кўп гапга солмадик. Биз пири бадавлат, бир остонани нурга белаган фариштали онахонга мустаҳкам соғлиқ, куч-қувват тилаганча хайрлашдик.

Инсон юрт корига ярайдиган, ота-онасини бошида кўтариб юрадиган фарзандларни ўстириб, тарбиялай олса, қариганда ўзини чинакам бахтли ҳис қиларкан. Шундай бахт барчамизга насиб этсин.

Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.

Китоб жавонингизга

"Ҳаётда не-не воқеаларга дуч келмайсизу, не-не одамларни учратмайсиз. Шунинг учун буни умр дейдилар-да. Яхшилик бор жойда ёмонлик ҳам учрайди. Қаллобу фирибгарларнинг найрангига дуч келганлар қанча! Шундай бўлса-да эзгулик, муҳаббат умримизнинг устунидир"...

ҚАТРАДАГИ ҚУЁШ АКСИ



Журналист Абдужалол Раҳимов "Ҳикоялар тўплами" (2010 й.), "Ломакон" (2011), "Мугат фолбин" (2012) номли китоблари, қатор публицистик мақолалари билан мухлислар эътиборини қозонган ижодкор. Озгинаю созгина асарлари билан одамлар қалбига эзгулик нурини бахш этолган камтарин, камсуқум ҳамкасбимиз "Янги аср авлоди" нашриётида чоп этилган навбатдаги янги китобини "Йўлда кетаётган одам" деб номлабди. Унинг сўз бошисида айтилганидек, турфа олам, турфа одам ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, қизиқарли ҳикоялар, таниш қиёфалар китоб дебочасиданоқ ўқувчини қизиқтириб қўяди. Унга киритилган ҳикоялар ҳаётийлиги, содда ва равон тилда баён этилгани боис, бир ўқишда тугатганимизни сезмай қоламиз. Зеро, ҳаётда тез-тез учраб турадиган муаммолар оқибатини билиш истаги уни қўлдан қўймай, ўқиб чиқишга ундайди.

...Жўранинг таниши Самандар уни чет эллик ҳамтовоқларига сотиб юборгани, узоқ-узоқларга, нотаниш ўрмонга бориб, чорасиз, ҳужжатларисиз, оч-наҳор қолиши, туҳмат билан қамалиб кетишига оз қолгани, ниҳоят, бир амаллаб ўз Ватанига келиш насиб этгани ҳақидаги тафсилотлар ҳаётий, очиқ, аммо аччиқ ҳақиқат ("Алдов") китобхонни огоҳликка, сергакликка яна бир бор чорлайди. "Оғриқ"да ҳам айнан шу мавзу – одам савдоси қаламга олинган. "Тундаги қотиллик", "Хиёнат", "Касалхонада", "Маҳлиё" каби ҳикояларида эса яхшилигу ёмонлик, эзгулигу разолат ўртасида хору сарсон одамлар ҳаёти тасвирланади. Ким фарзандга зору, ким уни хор қилади – орамизда бундай аянчли тақдир эгалари учраб туради: ..."Зокир ҳар замонда ўғлиниям камарга олиб тушади. Чўмилаётган болаларни томоша қилишади. Ўғли қувониб қийқиради. Сойнинг четидаги қумларни сочиб ўйнайди. Зокир учун бундан ортиқ бахт йўқ..." ("Тундаги қотиллик") Ёки: "...Шу ҳам онами?! Кеча тунда жиянимиз олиб келганида кўрсангиз эди! Крассовкасидан сув ўтиб, оёғи шишиб кетибди. Бармоқчалари оқариб қолган. Аёллар жемперини енгидан кийдириб, иштонча қилиб қўйилган... Шу замонда-я...

– Дўхтир! – деди (она) чайқалиб. – Сиз, гаплашиб беринг! Бола керак бўлса, сотаман! Ҳой, қанча берасан?!" ("Касалхонада").

Халқимизда "Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ" деган нақл бор. Китобчага киритилган яна бир ҳикоя қаҳрамони "Йўлда кетаётган одам". Унинг туҳмат, иғвоси туфайли ҳаёти барбод бўлган Нарзилла исмли ҳайдовчи йигит.

"– Ака, бу мараз бир аёлнинг ҳаётини бузган! Мени ишимдан кетказди, номимни булғади!... Умримда бировни хотинига кўз қисган йигитамасман... Бу қилди ҳаммасини! "Ё тавба! Бир оғиз гап-а?! Лекин уни ботиниб айтишга (туҳмат, иғвони) қора юрак керак. Кўмирдек қоп-қора юрак!.."

Ҳикояда келтирилган Бозорвой каби пасткаш, риёкор кимсалар ҳам йўқ эмас орамизда. Бундайлар одамлар ўртасидаги самимийлик, аҳиллик, дўстликни кўролмай, ҳар лаҳзада улар орасига низо, ҳаётига оғу солишдан ҳузурланади. Оқибатда Нозимаю, Нарзилланинг гулдек оилалари барбод бўлади. Болалари тирик етимга айланишади. Лекин, баъзан бунинг акси ҳам бўлиб туради. 6 ойлик гўдагини қайнонасию эрига қолдириб, нопок йўлга кириб кетган Гулча ("Хиёнат")нинг аянчли тақдири бошқаларга сабоқ бўлиши табиий.

Ота-онасининг қистови билан 16-17 ёшида турмушга чиққан Маҳлиё исмли содда, беғубор қизнинг оғир қисмати эса сохта обрў, молдунёга ўч кимсаларни огоҳликка чорласа ажаб эмас ("Маҳлиё").

Қисқаси, бой ҳаётий тажриба, қирқ йиллик ижод йўлларидан терилган теран мушоҳадалар маҳсули бўлмиш ушбу китобчада "қатрада акс этган қуёш нури" каби ойдин туйғулар, чуқур мулоҳазалар бисёр. Улар шуурингизга тиниқлик бахш этишига, жавонингизда "Йўлда кетаётган одам" бўлса ҳаёт сабоқлари сизни турли нохушликлардан ҳоли бўлишга ёрдам беришига шубҳа йўқ.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.



Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

Юртимиз кексалари доимо эъзозда.

Болалар спорти

ҲАР МЕДАЛНИНГ ЎЗ ТАРИХИ БОР

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга берилаётган эътибор туфайли шаҳар ва қишлоқлардан етишиб чиқаётган истеъдодли ёшлар турли спорт мусобақаларида нафақат вилоятимиз, балки республика шарафини ҳам муносиб ҳимоя қилмоқда.

Чинозлик шундай ёш спортчи, каратэ тўғараги аъзоси Отабек Манбетов 2013 йил Ҳиндистонда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида бронза медали билан тақдирланди. Яна бир туман вакили Абдулла Хайруллаев Италияда ёшлар ўртасида таэквандо бўйича ўтган Жаҳон чемпионати ғолиби бўлди. Чинозлик Сарвар Каримов Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси сафида Эронда ўтган ўсмирлар халқаро мусобақасида биринчи ўринни эгаллади.

Спортчилар орасида ёш дзюдочи Раҳматилла Қосимов эришган муваффақиятлар ҳам таҳсинга сазовор. 7 ёшида биринчи олтин медални қўлга киритган Раҳматилланинг турли даражадаги турнирларда қўлга киритган медаллар шодаси 27 тага етди. Уларнинг тўққизтаси олтин медаль. Спортда шоҳсупадан жой олишнинг ўзи бўлмайди.

– Спортчи учун ҳар бир ютуқ қадрли, – дейди Раҳматилла Қосимов. – Лекин 2015 йилда Франциянинг Сан-Сиприен шаҳрида дзюдо бўйича VI Халқаро турнирда қўлга киритган олтин медалим мен учун алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозир республика ёшлар терма жамоаси сафига қабул қилиндим. Буларнинг ҳаммасига республикада спортни ривожлантиришга, биз, ёшлар учун яратиб берилаётган имконият ва шарт-шароитлар туфайли эришмоқдаман.

Айни пайтда Чирчиқ шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежида таҳсил олаётган Раҳматилла Қосимов тажрибали мутахассис Шуҳрат Абдулатипов мураббийлигида Бухорода бўлиб ўтадиган халқаро турнирга тайёргарлик кўрмоқда.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.



СУРАТДА: чинозлик Раҳматилла Қосимов.
Мансур НАҲАЛОВ олган сурат.

Бу қизиқ

ТАСОДИФИЙ ЖАМЛАНМА

Машҳур ва энг харидоргир китоб бўлган "Гиннесснинг рекордлар Китоби" Guinness пиво ишлаб чиқариш компанияси хўжайини Хью Бивер томонидан тасодифан дунё юзини кўрган. 1954 йилда овчилар учун уюштирилган зиёфат пайтида Хью Бивер бир овчи билан қайси қуш тезроқ учиши борасида баҳслашиб қолади. Шу пайтда Бивернинг хаёлига ҳар куни бутун дунё бўйлаб "энг, энг"лар борасида минглаб мунозаралар, гаров боғлашлар бўлиши келади. У барча соҳаларда расман тасдиқланган рекордларни жамлайдиган китоб яратишга қарор қилади.

Бир йиллик тадқиқот ва изланишлардан сўнг 1955 йилнинг 27 августида 198 саҳифадан иборат дастлабки китоб чоп этилади. Шу йили китоб Британияда энг кўп сотилган китобга айланади ва эгасига улкан даромад келтиради. Ўшандан буён "Гиннесснинг рекордлар Китоби" ҳар йили чоп этиладиган ва энг кўп сотиладиган китоблардан бирига айланди.

ЭНГ ҚИСҚА ЎЛЧАМ

Планк узунлиги бу – 0.00000000-00000000000000000000000000016 м. Бу дунёдаги энг қисқа масофа узунлиги бўлиб, уни илмий ҳисоботларда ишлатишади. Илк бу ўлчам бирлиги М. Планк томонидан ишлатилиб, иссиқлик изланишига оиддир ва шунинг учун ҳам бу узунлик бирлиги унинг номи билан аталган. Бу ўлчам бирлиги 5 та доимий универсал бирликлардан биридир.

Тахмин қилинишича, бу даражада квант ҳодисалари ҳукмронлик қилинади, гравитация, фазо ва вақт эса йўқ бўлиб кетади.

Рассом хандаси

Алданиб алдаётганлар суҳбати.



XXI аср ва дунё

ЙИГИРМА ТЎРТ СОАТ ПУЛ САНАШДИ

Ҳиндистоннинг Ғарбий Бенгавия штатида кичик амалдорлардан бири порахўрликда гумон қилиниб, уйи бир кеча-кундуз давомида тинтиб чиқилди.



Ушбу хабарни тарқатган телекомпания маълумотларига қараганда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари уйдан жами 200 миллион рупий (3 миллион доллар)дан зиёд нақд пул топишди. Уларни санаб чиқиш учун учта ҳисоб машинасини 24 соат ишлатишга тўғри келди. Бундан ташқари, 1,4 миллион рупий (21 минг доллар)га яқин қимматбаҳо буюмлар ҳам топилди.

Хонанинг дуч келган жойларига яшириб ташланган ушбу пуллар муҳандиснинг кичик ёрдамчиси Пранабу Адхикарига тегишли бўлиб, у муниципалитет тузилмаларида ишлаган. Унинг ойлик иш ҳақи тахминан 45 минг рупий (691 доллар) бўлган. У қурилиш учун рухсатнома бериш билан шуғулланган 25 йил давомида пора олиб келганликда гумон қилинмоқда.

ПОРТЛАШ САБАБИ – ЗАҲАРЛИ ГАЗ

Илгари хабар қилинганидек, Хитойнинг Тянцзин бандаргоҳида юз берган кетма-кет икки портлаш жойидаги омбордан юзлаб тонна цианид натрий заҳарли гази топилган.

АВС телеканалига интервью берган Пекин ҳарбий округи штаби бошлиғи ўринбосари Ши Луцзэ жумладан, шундай деди: "Тахминимизга қараганда, цианид натрий бир неча юз тоннага тенг бўлиб, тегишли хизмат ходимлари портлаш юз берган жойни ёмғир ёғишидан аввал кимёвий моддалардан тозалашга ҳаракат қилмоқдалар". Маҳаллий фирмалардан бирига тегишли бўлган омбордаги портлашлар оқибатида, ҳукумат тарқатган маълумотга қараганда, қурбонлар 112 кишига етган, яна 721 киши жароҳатланган.

ЛИВИЯЛИК КЎЧМАНЧИЛАР ҚИРҒОҚҚА ЕТИШОЛМАДИ

Ливиядан йўлга чиқиб, Ўрта Ер денгизини кечиб ўтишга ҳаракат қилган кўчманчилардан камида 40 нафари йўлда ҳалок бўлди.

Италия ҳарбий денгиз кучлари вакилининг хабарига кўра, фожиа кема ертўласида юз берган. BBC News агентлиги тарқатган хабарда таъкидланишича, қурбонлар ёқилғи буғидан бўғилиб ўлишган.

Италияликлар Ливия соҳилидан 20 миль масофада қўлга олган кемада 400 га яқин кўчманчи бўлиб, улар Европа қирғоқларига етиб олишга уринганлар.

Reuters агентлиги ҳам ўлимга ёқилғи буғланиши сабаб бўлганлигини таъкидлади. Агентликнинг хабарига кўра, ҳарбий денгиз флоти вакили ўнлаб одамларнинг ўлимига амалда нима сабаб бўлганини айтишдан бош тортган.

БЛАТТЕР ПЛАТИНИНИ ТОВЛАМАЧИЛИКДА АЙБЛАДИ

Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) президенти Йозеф Блаттер Европа футбол ассоциацияси иттифоқи (УЕФА) раҳбари Мишель Платинини ўзининг 80 ёшли акасига босим ўтказганликда айблади.



Федерация президентининг таъкидлашича, Платини унинг акаси Петер Блаттерга: "Йозефга айтинг, у сайловларни кутиб ўтирмай, олдинроқ лавозимидан кетсин, акс ҳолда қамоқда ўтиради", деди. Платинига яқин бўлган манбалардан бири ушбу айбни рад этиб: "Шу йўл билан Блаттер ФИФАнинг ҳозирги мавжуд муаммоларидан жамоатчиликни чалғитишга уринмоқда", деди.

29 июль куни Мишель Платини ФИФА президенти сайловларига ўз номзодини расман кўрсатди. Маълумки, сайловлар келгуси йили 26 февралда ўтказилади. Унгача Йозеф Блаттер президентликни давом эттиради. Платини эса уни истеъфога чиқишга чақирди.

ЛЕГИОНЕЛЛЕЗ ҚУРБОНЛАРИ ЮЗДАН ОШДИ

BNO News телеканали тарқатган хабарда таъкидланишича, Нью-Йорк шаҳрида "легионеллик касали"га чалинганлар 124 кишига етди.

Ушбу ўзига хос хасталикка чалинганлар асосан кексалар бўлиб, улар легионеллездан ташқари, бошқа касалликлардан ҳам азият чекаётган эдилар. Маълум қилишларича, инфекция ўчоғи шаҳарнинг шимолий ҳудудида бўлиб, легионеллез бактериялари бир нечта маҳаллий шифохона ва савдо марказида топилган. Бироқ, кейинги ҳафта давомида ушбу хавфли касалга чалиниш ҳоллари қайд этилмади. Ҳозиргача шаҳарда 12 киши легионеллез хасталигидан ҳалок бўлди.

Легионеллез ўткир юқумли касаллик бўлиб, унга чалинган кишини қаттиқ безгак тутади, ўпка, марказий асаб ва ошқозон-ичак тизими шикастланади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги
Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ
Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru
Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.
Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Навбатчи муҳаррир Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ
Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-3693. Адади 8088. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.
Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00.